

ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ
НАРХЛАРИ НАЗОРАТДА

2-бет



КУЛТУБЕ
ҚАЛЪАСИ: ТАРИХ ВА
КЕЛАЖАК

5-бет

РАМАЗОН
ОЙИ МУБОРАК
БЎЛСИН!

7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 10 апрель, шанба. №38 (2943).



ҚОЗОҒИСТОН – РОССИЯ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Нур-Султан шаҳрига хизмат сафари билан келган Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорликка янги жўшқинлик бериш нуқтаи назаридан вазир ташрифининг муҳимлигини таъкидлadi.

– Қозоғистон ва Россия – стратегик ҳамкорлар. Шунинг учун, сизнинг ташрифингиз ва олий даражадаги учрашувлар давомида кўзланган мақсадларимизга эришамиз, деб умид қиласман. 23 марта куни биз Владимир Путин билан минтақаларро учрашув ўтказишнинг муҳимили тўғрисида мuloқot қилдик. Афуски, пандемия сабабли кейинга қолдирилди.

Имконият бўлса, ҳар қандай шаклда юзма-юз учрашишга келишиб олдик. Чунки бу жуда муҳим, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев вакцинанинг кўшимча қисмини Қозоғистонга юбориша ёрдам кўрсатгани учун Владимир Путинга миннатдорчилик билдири.

– Яқинда мен Қозоғистонда ишлаб чиқарилган «Спутник V» вакцинаси билан эмландим. Ҳукумат йигилишини ўтказиб, ахолини оммавий эмлашни тезлаштиришни топширдим. Бу вазифа, биринчидан, вакцинани бозорга етарли миқдорда етказиб бериш билан боғлиқ, иккичидан,

эмлашнинг аҳамиятини аҳолига тушунтириш. Кўпчилик ушбу тадбирнинг аҳамиятини тўлиқ англаб етмаяти. Албатта, бизда эмлаш – иллатдан сақланишининг ягона йўли – бепул, – деди Президент.

Ўз навбатида, Сергей Лавров Президент Владимир Путиннинг саломи ва эътиборини етказди ҳамда Россия томони вакциналарни етказиб бериш масаласини ҳал қилишини таъкидлadi.

Учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари, жумладан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар, фазо соҳасидаги кўшима лойиҳаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

– Кейинги ойда Евросиё олий иқтисо-


дий кенгашининг йигилишини видеоанжуман шаклида ўтказиш режаланган. Бу коронавирусдан кейинги эпидемида ҳамкорлигимизни давом эттириш юзасидан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг муҳим босқичидир.

Шунингдек, биз фазогир Юрий Гагарин парвозининг 60 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бу бизнинг фазони тинч йўл билан ривожлантиришга кўшган умумий ҳиссамиз бўлади. Байқўнирдаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва Қозоғистоннинг космик салоҳиятини ривожлантириш юзасидан кўшма лойиҳаларимиз жадал давом этмоқда, – деди Сергей Лавров.

Akorda.kz.

Ҳар гўшаси боғу бўстон бўлади

ВИЛОЯТДА 170 МЛН. ТУПДАН ЗИЁД КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛАДИ



Қозоғистоннинг маънавий пойтактида бу йил янги боғлар пайдо бўлади. Бу масалани вилоят ҳокими Умирзак Шўкеев ўз назоратига олган.

Бугунги кунга қадар Туркистонда 30га яқин иншот ободдонлаштирилди. Шаҳарсозлик талабларига зид равишда қурилган бинолар ўрнида замонавий иншоотлар, фавворолар ва спорт майдончалари барпо этилди. Энг муҳими, кўкаламзор худудлари кенгайтирилиб, 2021-2025 йиллар мобайнида вилоят давлат ўрмон жамғармасига 170 миллиондан зиёд, минтақанинг шаҳарлари ва аҳоли мансилларида 1 млн.дан зиёд турли кўчатлар ўтказиш режаланган. Буни вилоят табиий захиралар ва

табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев маълум қилди.

Ҳаво мўътадиллиги ва атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда фаввороларнинг аҳамияти катта. Шу боис, шаҳардаги боғ ва хиёбонлар, майдонларда ҳар йили замонавий фавворолар қуришга алоҳида эътибор қараштилмоқда.

Ботаника боғига хориждан келтирилган 2000 тупдан зиёд ноёб дарахт кўчатлари ўтказиди. Туркистоннинг буюк ўтмишига уйғун замонавий қиёфасини яра-

тишда янги бино ва иншоотлар қуриш билан бирга, ҳар бир туп дарахт ва гул кўчати экишга ҳам алоҳида масъулият, эътибор билан ёндошилмоқда. Эътиборлиси, бу ниҳоллар дастлаб хориждан келтирилган бўлса, бугун маҳаллий кўчатчилик ва гулчиллик хўжаликларида етиширилмоқда.

Республикада экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 5 йил мобайнида ўрмон жамғармаси худудида 2 млрд. тупдан зиёд, шаҳар ва қишлоқларда 15 млн. туп кўчат ўтказиш режаланган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИНИНГ УСТУВОР ШАРТИ

**ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ УЮШГАН
ЖИНОЯТЧИЛИК ДАРАЖАСИ ПАСТ БҮЛГАН БЕШ МИНТАҚАДАН БИРИ**

Ўтган ийлнинг натижаларига кўра, маҳаллий ижро органлари ходимлари орасидаги уюшган жиноятчиликка оид ҳуқуқбузарликлар сони 33,7 фоизга камайди. «2015-2025 йилларда Қозғистон Республикасининг Уюшган жиноятчиликка қарши кураш дастури»ни амалга ошириш ва «Яширин иқтисодиётга қарши курашга доир 2018-2020 йилларга мўлжалланган миңтақавий ҳаракатлар режасига» мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш юзасидан тизимили ишлар олиб борилмоқда. Тадбирлар асосан унга барҳам бериш ва олдини олишга қаратилган. Бу ҳақда Туркистон вилояти ҳокими Ҳмирзақ Шўкеев раислигида ўтган уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлисида ахборот берилди.

Учрашувда Уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлиги раисининг маслаҳатчиси Жазира Жилқишиева, Агентликнинг Туркистон вилояти бўйича департамент раҳбари Ҳаким Қўшқалиев, «Парасат жолы» Республика маркази раҳбари, ёзувчи, жамоат арбоби Садибек Тугел, вилоят ҳоқимининг ўринбосарлари ва бошқарма раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳудудий бошқармалар томонидан амалга оширилаётган чоратадбирлар мұхомама қилинди. Шунингдек, Агентлик томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, қонунчиликдаги янгиликлар тўғрисида сўз юритилди.

– Тадбирни ўтказишдан мақсад – маъмур қонунчиликка 5 апрелдан кучга кирган ўзгартиришларни тушунтириш. Ушбу ўзгартиришларга мувофиқ, агар давлат органи раҳбари уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўрмаса, унга жарима солинади. Ёки агар давлат ёки квази-давлат органлари раҳбарлари илгари уюшган жиноятчиликда айбланиб, судланган фуқароларни иш билан таъминласа, улар ҳам жаримага тортилади. Жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига нон-кунуни аралашгани ва улардан «совға» олгани учун ҳам жаримага тортилади. Умуман олганда, коррупциянинг олдини олиш билан боғлиқ бир нечта дастак мавжуд. Таҳлил ва мониторинг олиб бориш керак. Биз таклифларни илгари суришимиз керак, – деди Жазира Жилқишиева.

Таъкидлаш жоизки, «Очиқ бюджетнинг интерфаол ҳаритаси» лойиҳаси доирасида Туркистон миңтақасида 1352та давлат муассасаси ўз бюджетларини 100 фоиз очик манбаларга жойлади. Барча туман, шаҳарлар ва вилоят бошқармаларида коррупция хатарлари бўйича 280та ички таҳлил ўтказилди. «Эшитувчи давлат» дастурини бир дарча тамоили асосида амалга ошириш учун вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида хизмат кўрсатиш ҳоқимларни очилди. Вилоят туман ва шаҳар ҳоқимларни томонидан хизмат кўрсатиш шаклига ўтиш масалалари тўлиқ қамралди. Хизмат ҳоқимларни уй-жой курилиши, ер муносабатлари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, ижтимоий ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш соҳаларида хизматларни кўрсатади.

Шунингдек, Туркистон шаҳрида иккинчи фронт офис ва «Заковат маркази» очилди.

Шу билан бирга, Туркистон вилоятида давлат хизматларининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида «Бошқармалар уйи» биносида «Очиқ ҳоқимлик» ташкил этилди. Бундан ташқари, Туркистон вилоятида аҳоли учун тўсиқсиз мухит шакллантириш мақсадида 67та давлат муассасаси «Open space», яна 84та давлат муассасаси фронт-офис шаклида фаолият юртмоқда.

Таъкидлаш жоизки, лойиха давлат хизматларини ракамлаштиришга сезиларли даражада жўшқинлик берди. Миңтақада рақамлаштириш даражаси 93 фоизга етди. Халқаро андазаларга мувофиқ, бу кўрсаткич камида 90 фоиз бўлиши керак эди. Албатта, бу тадбирлар соҳада майший уюшган жиноятчилик даражасини пасайтириш имконини бермоқда.

Миңтақа раҳбари Президент томонидан берилган уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш юзасидан кўрсатмалари доирасида олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар ва устувор йўналишларга ётибор қаратди. Миңтақавий тадбирлар режасига мувофиқ ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти таъкидланди.

– Жиноятни жазолашдан кўра, унинг олдини олиш тадбирларининг йўлга қўйилиши қай даражада оқилоналиги аллақачон исботланган. Департамент коррупциянинг олдини олишига алоҳида ётибор қаратиб, аниқ натижаларга эришмоқда. Натижада у барча кўрсаткичлар бўйича республикада пешқадам. 12 ой давомида уюшган жиноятчиликнинг умумий даражаси ўтган йилга нисбатан 33,7 фоизга камайди.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, унга курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз маъсулдорлар. Шундай экан, давлат ва жамият бундай иллатни олдини олиша унга ҳарши курашда ҳамжиҳатликдаги ҳаракатигина самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади. Бу йўналишда ишлар давом этади, – деда таъкидлади вилоят ҳоқими.

ИНТИЛГАННИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

**«Болашақ»
дастури доирасида Туркестон вилоятидан 100га яқин ўқитувчи ва шифокор ҳужжат топширди ва тест синовларидан ўтди.**

Номзодлар танловнинг 3 босқичидан, шу жумладан қозоқ тили, тест синовлари ва соҳа бўйича онлайн мулоқотдан ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра иккича фуқарога стипендия тақдим этилди.

Туркистон марказий шаҳар касалхонаси жарроҳи Абай Туймебаев ва Саритағаш туман марказий касал-

хонаси жарроҳи Бауржан Ўспанов 3 ой давомида Хайфа шаҳридаги Истроил таълим муассасасида таҳсил олишади.

Туркистон шаҳри ҳоқими Рашид Аюпов «Болашақ» дастури доирасида ўқиш имкониятига эга бўлган таълабаларни қабул қилди ва уларга муваффақият тилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ НАЗОРАТДА

Туркистон вилояти ҳоқимлигига ўтган девон йиғилишида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш масаласи мұхомама қилинди.

Унда вилоят ҳоқимлиги ва ийрик товар ишлаб чиқарувчилар: «Яссы құс», «Асан ата», «Береке» МЧБ ўтасида меморандум имзоланди.

Ушбу битимга кўра, энди товар ишлаб чиқарувчилар вилоят ички бозорида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини асосиз кўтармаслик шартини бажаришади.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари М. Мирзалиев раислигида ўтган йиғилишда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар, савдо марказлари соҳиблари, новвойхона, бозорларнинг раҳбарлари иштирок этишиди.

Мажлисда йил бошидан бўён туман ва шаҳарларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиб бораётгани ҳақида айтildi.

Кентов шаҳридаги паррандачилик фермаси раҳбарияти («Яссы құс») тухум нархи пасайганини маълум қилди. Чунончи, йил бошида 1-навли тухум донаси 44 тенгедан сотилган бўлса, айни пайтда – 38 тенге.

Бундан ташқари, яқин кунларда барқарорлаштириш жамғармаси

учун 350 тонна кунгабоқар мойини сотиб олиш режаланмоқда.

Шунингдек, туман, шаҳар ҳоқимларни ва «Туркистон» ИТК ташкилотчилигига байрам ва дам олиш кунлари аҳолига мақбул баҳода ярмарка ўтказилмоқда. Қолаверса, Туркистон шаҳри ҳудудидаги 13та ижтимоий дўкон ва 5та ийрик супермаркетда ун, қанд, картошка, сабзи, пиёз, гуруч, макарон, туз арzon нархда сотилмоқда.

Вилоят рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш департаменти маълумотларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини асосиз кўтарган товар ишлаб чиқарувчиларга тегишли кўрсатмалар берилган. Улар бажарилмаса, қонун доирасида тергов-текширув ишлари бошланади.

Мутасадди бўлим раҳбарларига нарх-навонинг кўтарилиб кетмаслигини таъминлашга оид топшириклар берилди.

Вилоят ҳоқимининг матбут хизмати.



Мамлакатимизда сўнгги бир кечакундузда 2,4 мингдан зиёд одамда коронавирус юқтириш ҳолатлари қайд этилди.

● Тайинлаш

АРИС ШАҲРИДА – ЯНГИ ҲОКИМ

ҚР Президенти Маъмуриятининг розилиги, Арис шаҳар маслаҳати депутатларининг қўллови билан, Арис шаҳрининг ҳокими этиб Гулнар Мамитқизи Курманбекова тайинланди. Янги ҳокимни шаҳар фаоллариша шахсан таниширган Ўмирзак Естайули унинг келгусидаги ишларига муваффақият тилади.



Г. Қурманбекова 1965 йили Утрор туманида дунёга келган. Мехнат фаолиятини Шаудир автотранспорт муассасаси кассир сифатида бошлаган. 2010-2020 йилларда Шымкент шаҳрининг иқтисодиёт ва молия бўлимининг бошлиғи, Шымкент шаҳар

ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарди. 2020 йилдан бўён Туркистон вилояти ҳокимининг иқтисодиёт, молия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

УЧ ЭГИЗАКНИНГ ЖОНИ ОМОН ҚОЛДИ

3-сонли вилоят перинатал маркази шифокорлари чала туғилган уч нафар эгизакнинг ҳаётини сақлаб қолиши. Норасидаларнинг вазни атиги 1,5 килодан бўлиб, улар 40 кун давомида туғрукхона ходимлари томонидан парвариш қилинди. Уч фарзандли бўлган ёш она шифокорлардан беҳад миннатдор.

Муддатидан аввал, чала туғилган чақалоқлар жонлантириш бўлимида сакланди.

“10 март куни дунёга келган гўдаклар 10 кун давомида жонлантириш бўлимида сакланди. Дастрлабки кунларда вазни 1,480, 1,180 ва 1460 гр. бўлган эди. Ҳозир уларнинг ахволи яхши, уйига чиқишига рухсат бердик”, деди перинатал марказ шифокори Гулайша Ерназарова.

Дарвоҷе, ўтган йили вилоят перинатал марказида 9793 нафар чақалоқ дунёга келди. Йил бошидан буён 2652 чақалоқ туғилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

САККИЗ ЙИЛ КУТИЛГАН БАХТ



Туркистон ва Кентов шаҳрлари бўйича маҳсус мубири Шомирза Мадалиевдан олинган хабар ҳам мана шу уч нафар эгизак ҳақида.

Туркистон шаҳридаги 3-сонли вилоят перинатал марказда уч эгиз дунёга келди. Қорачиқлик Сардор ва Динора Мухитовалар оиласи фарзандларига Хадича,

Фотима, Зухра деб исм қўйиши. Таъкидлаш жоиз, саккиз йил муқаддам турмуш курган ёшлар мана шу соодатли кунларни сабр билан кутишган эди.

Уч эгизакнинг ахволи яхши. Бир йўла учта фарзанд отаси бўлган Сардор Туркистон шаҳридаги “Ақ жол” кўп соҳали корхонасида меҳнат қиласи.



ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

Қозоғистон Республикасининг маънавий пойтахтида мамлакатимизнинг фахрий журналисти, Туркистон вилояти ҳамда Байдибек туманинг фахрий фуқароси Байдулла Қўнисбекнинг 80 йиллигига бағишиланган тантанали тадбир ўтди.

Юбилей Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси ва Қозоғистон Журналистлари уюшмасининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Сакен Қалқаманов, X. А. Яссавий номидаги ҳалқаро университет ректори Жанар Темирбекова, вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Дамир Жұнисов, вилоят Жамоатчилик кенгаши раиси Шарипбек Жамалбек, ёзувчи, «Алаш» ва «Туркий оламга кўрсатган хизмати учун» ҳалқаро мукофотлари лауреати Марха-

бат Байгут, Туркистон вилоятининг зиёллари, Қизилурда, Жамбил вилоятлари ҳамда ахборот соҳаси вакиллари иштирок этди.

Қозоғистон Журналистлари уюшмасининг Туркистон вилоят бўлими раиси, вилоят маслаҳати депутати Галимжан Елишибай фахрий журналистнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб берди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари минтақа раҳбари Ўмирзак Шўкеев номидан табрик хати тақдим этиб, миллий журналистика фидойисини табриклиди.

– Дунёни қамраб олган пандемия қарамай, бугунги ҳамкасларингиз ва замондошларингиз кутлуг айёмингиз билан табриклаш учун келишиди. Ўйлайманки, бу алоҳида эҳтиром ва ҳурмат рамзирид, – деди С. Қалқаманов.

Тадбир оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида бильярд бўйича минтақавий мусобақа билан давом этди. Унда Туркистон, Жамбил, Қизилурда вилоятлари ва Шымкент шаҳридан 30га яқин ОАВ вакиллари иштирок этди. Таниқли ҳакам Абдуғай Бекжанов ўйинларга холис баҳо берди. Энг яхши ўйинчиларга маҳсус диплом ва пул мукофотлари топширилди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

● Тадбиркор – элга мададкор

Ўрангай қишлоғига навбатдаги сафаримизда унинг марказидаги замонавий эшик, турли жиҳозлар ишлаб чиқарилаётган цех фаолияти билан танишдик.

Тадбиркор Иқбол Ҳабибулла ўғли ташкилотчилигига бунёд этилган, замонавий дастгоҳлар ўрнатилган ушбу корхонада бежирим эшик ва турли жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Бундай эшиклар янги уй қураётган ўрангайликлар учун айни мудда – олисадан эмас, ўз қишлоғига харид қилиш имконияти мавжуд.

Ҳамроҳимиз, нафақадаги таниқли спорт устаси Тойир Тойжонов ушбу жиҳозлар сифатига ижобий баҳо берди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.**

ЎРАНҒАЙДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Балди, Симбат!

Шымкент шаҳар таълим бошқармасига қарашли Аграр-техника коллежи талабаси Симбат Нишанбаева республика танловида 1-ўринни эгаллади.

5 февраль ва 10 март орлиғида Ақтүбе вилоят ёшлар ва болалар ташкилотлари хамжамиятия ташкилотчилигига “Коллеж гўзали – 2021” танлови ўтказилди. Унда Шымкент шаҳридаги коллежлар орасидан Шымкент аграр-техника коллежининг 2-босқич талабаси Симбат Нишанбаева иштирок этди.

Танлов натижасига кўра, Шымкент аграр коллежининг “Маҳсус тикувчилик” мутахас-

силиги бўйича 2-босқич талабаси Симбат Нишанбаева барча шартларни аъло даражада бажариб, 1-ўринга лойик топилди.

Ташкилотчилар ғолиб ва совирндорларни ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Хуршид Қўчқоров.





● Мусоҳаба —

ТУРКИСТОННИНГ ТАРИХИ КУЛТУБЕДАН БОШЛАНАДИ

Култубе – замонавий Туркистоннинг бешигидир. Тарих сирларини пинҳон тутган ушбу муқаддас даргоҳга нафақат қозогистонлик, балки жаҳон олимлари ҳамжамияти қизиқиш билдиримоқда.



Ҳозирги кунда ушбу қадимий ҳаробани ўрганиш ишлари Евроосиё гуруҳи (ERG) молиявий кўмагида Қозогистон илмий-тадқиқот маданияти институти ходимлари томонидан олиб борилмоқда. Алкей Марғулан номидаги археология институти директори, Миллий Фанлар академиясининг академиги Бауржан Байтанаев билан “Казинформ” мухбири К. Павлов сұхбати ушбу Култубенинг маҳсус археологик ёдгорлик мақоми билан ҳам боғлиқ эди.

– Бауржан Абишүғли, саволимизни ҳозирда Қозогистонда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар жойлари ҳақидаги сұхбатдан бошласак...

– Умуман олганда, бундай тадқиқотлар Қозогистоннинг деярли барча ҳудудини қамраб олади. Ҳар йили баҳорда экспедициялар Жанубий, Шарқий, Шимолий, Фарбий ва Марказий Қозогистонга юборилади. Жанубда археологлар Туркистоннинг Култубе қалъаси каби мұхым археологик жойда, шунингдек, Үттор ва Исфижоб сингари мұхым археологик жойларда көнг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Қоратов тоги ёнбағирларидаги турли тепаликлар, ҳаробалар ва қадимий аҳоли манзиллари ўрганилмоқда. Марказий Қозогистонда Тасмұла ва Андронов маданияти ёдгорликлари, Фарбда Сармат тамаддуни ёдгорликлари ўрганилмоқда. Археологлар Берел маданияти (Алтайнинг дастлабки күчманчилари), турклар ва Саклар тамаддуни ёдгорликларига ҳам эътибор қаратишди. Фақаттинга көнг археологик тадқиқотлар натижасыда биз ўтмишимиз сирларини очиб берса оламиз.

– Ҳүш, ўрганилаётган ушбу тарихий жойлардан қайси бирини алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?


– Албатт, ҳар бир археологик майдоннинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шу билан бирга, мен Култубе ҳаробасидаги көнг кўламли археологик қазипма ишларини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу – ҳозирги кунда Қозогистондаги пастки қатламлари тўлиқ ўрганилган ягона археологик жой. Шу туфайли биз унинг иккى мингийил муқаддам қандай бўлганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик. Култубеда очилган янгиликлар ўша пайтдаги меъморчилик, хусусан, диний биноларда янгича нұқтаи назар яратади. Таникли қозоқ археологи, Ербўлат Смағулов (марҳум) хоч шаклидаги тузилмани топиб ўрганган эди. Шундай қилиб, тузилмаларнинг бундай жойлашуви қадимги даврлардан бошланганлиги аниқланди. Бир пайтлар Сирдарёning қўйи оқимида мілоддан аввали III-II асрларда қадимий шаҳар маданияти мавжуд эди. Агар Амударё бўйида Юнон – Бақтрия давлати ва Буюк Александрининг авлодлари – Селевкийлар давлати ҳукмронлик қилган бўлса, Сирдарё бўйида мас-сагетлар, даис, даҳс ва бошқа қабилалар яшаган. Милоддан аввали II асрда Сирдарёning пастки қисмидаги оқим юқорига кўтарилди. Натижада, унинг бўйидаги шаҳарларнинг ҳаёті тўхтади ва аҳоли Сирдарёning юқори оқимига ўтиб, яшаш ва дехқончилик қилиш учун мос жойларни излай бошладилар. Қадимги меъморчилик хусусиятларига эга бўлган шаҳарларнинг режаси шу тарзда пайдо бўлди. Хусусан, Туркистонда бошланган Култубе шаҳарчаси худди шу

тарзда пайдо бўлган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Лекин, менинчча, Туркистоннинг илдизи бундан ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Милоддан аввалик иккинчи минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб бу ерда Андроново маданияти қабилалари муқим яшаган. Бунинг исботи – Туркистон ҳудудида ушбу маданиятга тегишили қабристонлар бўлган. Шу сабабли, шаҳарда қадимий аҳоли манзилларининг асосларини топишигина қолади.

– Сиз айтаётган археологик ёдгорлик қанчалик мұхим? Унинг аҳамияти нимада?

– Култубе ҳаробасини ўрганиш – Туркистон тарихи биз ўйлагандан ҳам теран эканлиги тўғрисида аниқ хуласа чиқаришга имкон берди. Умуман олганда, Туркистоннинг ёши тўғрисида сўралганда собиқ Шўролар давридаги маълумотлардан фойдаланилганлиги маълум. Шу билан бирга, Ербўлат Смағулов илмий тўпламда «Туркистон неча ёшда?» деган мақола чоп этган эди. Олим қазилма ишларида топилган сопол буюмлар ва турли ёзма маълумотларни таҳлил қилди. Сўнг Туркистон V асрда пайдо бўлди, демак шаҳар 1500 ёшда эканлигини англатади дэя эълон қилди. Шунга асосланиб, 2000 йилда Туркистон ўзининг 1500 йиллигини нишонлади. Таъкидлаш жоизки, бу шўролар давридаги тадқиқот хуласаларига асосланган, жиддий изланишларисиз эълон қилинган сана эди. Туркистоннинг юбилейидан сўнг, 2004 йилда Элбоши ташаббуси билан «Маданий мерос» дастури доирасида тадқиқот ўтказилди. Ҳаробани ўрганиш натижасида Туркистон шаҳрининг ёшига муносабат ўзгарди ва энди биз унинг камида 2200 ёшда эканлигини ишонч билан айтишимиз мүмкін. Шаҳарнинг пойдевори бундан ҳам олдинроқ кўйилган бўлиши мүмкін.

– Уч йилдан бўён Култубе қалъасидаги илмий тадқиқотларни Қозогистон илмий-тадқиқот маданияти институти олимлари олиб боришмоқда. Улар археологик тадқиқотлар доирасида қисман тикаш, этно-ижтимоий ва маданий тадқиқотларни ўз ичига олган мажмуавий тадбирларни ҳам амалга оширишмоқда. Уларнинг фаолиятини қандай баҳолайсиз?



– Ҳамкасларим томонидан амалга оширилаётган лойиҳа хуссий сармоядор томонидан молиялаштирилганлигини таъкидлашни истардим. Иккинчидан, илм-фан нафақат давлат томонидан, балки йирик бизнес томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганидан жуда хурсандман. Бу Қозғистонда илмга ажратилган биринчи сармоядир. Умуман олганда, Қозғистон илм-фан ва археологиясини ривожлантиришга кўпроқ ишбильармонларни жалб қилиш керак деб ўйлайман. Лойиҳага келсан, унинг ўзига хослиги бу мустақил Қозғистон тарихидаги дастлабки йирик археологик қазилмадир. Илгари, жуда кўп куч ва маблаг талаб этадиган бундай экспедициялар фақат Совет Иттифоқи даврида бўлган. Тўғри. Муболага қўлмайман. Ҳатто уни Тожикистонда археологик тадқиқотлар олиб борган Панжикент экспедицияси ва шўролар давридаги кенг қўламли ўтрор экспедицияси билан таққослаш мумкин. Култўбеда 30 гектардан зиёд ерлар қазиб олинмоқда ва биз шаҳарнинг асрлар муқаддам қандай қиёфага эга бўлганлигидан вokiф бўлдик. Тарихий жойларни сақлаш ва қисман илмий қайта тиклаш каби муҳим ишлар ҳам олиб борилмоқда. Барча археологик тадбирлар ЮНЕСКО андазалари гурух ахолиси ва



Туркистон шаҳрида Юсуф ота мақбараси қошида музей ва ҳомийлар ҳисобидан “Ташриф маркази”-нинг қурилиши бошланиб, пойдеворига вақт капсуласи қўйилди.

Зиёратчиларга мўлжалланган бинонинг тамал тошини қўйишга бағишлиланган тадбирда “Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий мақбара-музейининг директори Нурбўлат Ахметжанов, хуссий тадбиркор, ҳомий Раҳматжон Абдусатторов, Эски Иқон қишлоғининг бир гурух ахолиси ва



Юсуф ота авлодлари иштирок этиши.

– Қозғистон Республикаси Тўнгич Президенти – Элбоши Нурсултан Назарбаевнинг “Келажакка йўлланма: маънавий янгилиниш” ва “Буюк Даштнинг етти қирраси” дастурий мақолаларида белгиланган вазифалар асосида минтақамиздаги тарихий масканларга ташриф буорган сайёхларга сифатли хизмат

саёхлик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Зиёратчилар учун ушбу марказни барпо этаётган ҳомий – тадбиркор Раҳматжон Абдусатторовга алоҳида миннатдорчилигимни билдираман, – деди “Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий мақбара-музейининг директори Н. Ахметжанов.

Қурилиш соҳаси мута-



хассисларининг фикрича, марказ 4 хонадан иборат бўлиб, унинг атрофи ҳам ободонлаштирилади. Тарихий маълумотларга кўра, Юсуф ота узумнинг ўзгача турларини етиширган, унинг севимли ишини жонлантириш мақсадида ушбу меванинг 12 нави ўтқазилиб, маҳсус боф барпо этилади. Бу эзгу ишини ҳам Раҳматжон Абдусатторов амалга оширади.

Тарихий маълумотларга кўра Юсуф ота Аҳмад Яссавийнинг замондоши

ва жияни, ҳам шогирди бўлганлиги айтилган. Унинг мақбараси Туркистон шаҳридан 25 чақирим жойда – Эски Иқон аҳоли манзилида жойлашган.

Маҳаллий аҳамиятга молик ёдгорлиқда 2005 йили археологик тадқиқотлар юритилиб, қурилиш пойдевори XV асрда барпо этилгани аниқланган эди.

“Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий қўриқхона-музейининг матбуот хизмати.



КУЛТЎБЕ ҚАЛЪАСИ: ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК

КУЛТЎБЕ ҚАЛЪАСИНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қозғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлигининг «Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий қўриқхона-музейида уюштирилган тадбир «Култўбе қалъасидаги тарихий иншоотларни тиклаш» илмий-тадқиқот лойиҳасининг ижросига бағишиланди.

«Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий қўриқхона-музейи директори Н. Ахметжанов ўтказган учрашувда Қозғистон илмий-тадқиқот маданият институти директори А. Ҳазбулатов, ушбу институтнинг илмий ходими М. Шайгўзова, Алкей Маргулан номидаги археология институти директори, Миллий Фанлар академиясининг академиги, тарих фанлари доктори Б. Байтанаев, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори Д. Воякин, археолог, олимлар М. Туябаев, А. Ержигитова, қўриқхона-музей директорининг ўринбосарлари иштирок этиди.

Учрашув давомида улар 2021 йилга қадар Култўбе қалъасидаги тарихий иншоотни тиклашга доир илмий режани ишлаб чиқиш, истиқболли



саёхлик йўналишларни тайёрлаш ва қайта тикланган иншоотларни давлат тарихий-маданий қўриқхона-музейи тасарруфига ўтказиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўрта асрлар ёдгорлиги – Култўбе қалъасининг сайёхлик

истиқболи, археологик тадқиқотлар натижасида кашф этилган, тиклаш ишларини талаб қиласидаган янги иншоотлар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди.

«Жанубий Қозғистон» мухбири.

● Замонавий ривоят

СУКУТНИНГ ХОСИЯТИ

Қалби муҳаббатга түлиб, бир-бисиз ҳаётни тасаввур этолмаган икки ёш турмуш қуриши. Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугидан бехабар севишганлар муҳаббатдан масрур эдилар. Турмушнинг "мушт"лари бўй кўрсата бошлаган ҳам эдики, улар дунёга сигмай кетиши. Оиласи низолар, келишмовчиликлар иккаласининг ҳам "сабр косаси"ни тўлдири.

Ҳа, Фарида билан Низомжоннинг оила қурганига ҳали икки йил ҳам бўлмади. Кун ора бўладиган жанжаллардан тўйган эр бир куни у билан ажрашмоқчи эканини айтиб қолди. Кутимагандана бу гапдан Фарида гангид қолди. Нега, нима учун? Ахир улар севишиб турмуш қуришгандику.

Хаёлан ажрашишга сабаб излай бошлади. Уйига қайтиб борадиган бўлса, келинликка шай бўлиб турган икки нафар синглисининг баҳтини тўсиб қўйишдан чўчили. Эрини бу мақсадидан қайтириш имконларини излай бошлади. Не қиларини билмай боши гангид, эрини ўзига иситиб олиш мақсадида домлага борди.

Бўлган воқеаларни у кишига сўзлаб берди.

Домла сув тўлдирилган идишга дам солиб уни Фаридага узатди. Унга:

– Эринг ишдан қайтгандан сўнг унга салом бергач, идишдаги сувни ичиб ол. Ютиб юборма, узоқ ушлаб тур ва билиб-билиб ишингни қил, – дея тайинлади.

Фарида "нажоткор" домла айтганидек, ҳар гал турмуш ўртоғи ишдан қайтганида, унга салом бериб, оғизга сувни тўлдириб оларди. Эрининг, дакки бериб айтган – "чойни аччиқ дамлабсан", "кўйлагимни яхши дазмолламабсан", "овқатингнинг тузи паст", деган сўзларига "лом-мим" демай, у айтган юмушларни бажараверди. Хотинининг "оғизга талкон солиб олгандай" индамаётганини кўриб, ажабланган эр "шундай итоаткор аёл билан ажрашадиган ахмоқ йўқ", дея унга меҳри товланиб, у билан ажрашиш фикридан қайтди.

Оиласи мустаҳкамланган Фарида домланинг уйига бориб миннатдорчилик билдири. Шунда у киши:

– Идишнинг ичидаги од-



дий сув эди. Оиласи бузилиб кетишига тилингни тия билмаганинг сабаб бўлган, – дея сўзини ниҳоялади. Бу гапларни эшигтан Фарида ўзига кепракли хулосани чиқариб олиб, эри жаҳл устида унга овозини баландлатганда ҳамон сукут сақлар экан. Эри ҳам хотини каби мўмин тортиб, арзимаган сабаблардан жанжал чиқариши бас қилиби.

Қиссадан ҳисса шуки, эр хотин бир-бирини тушуниб, кези келганда тилига эрк бермасдан, сабр билан ҳаёт кечиришса, уларнинг орасида уруш-жанжалга ўрин қолмай, бир-бiri билан аҳил ва тинчтотув ҳаёт кечирадилар.

Б. РЎЗИМАТОВА.

● Акс-садо

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ...

Журналист Наргиза Мавлонованинг "Уйлансам, фақат бой қизга уйланаман" мақоласида долзарб мавзу кўтарилиган. Айрим ёшларимиз саводсиз, китоб ўқимайди, тайнинли касб-хунари йўқ. Ана шундайлар қайнотам бой бўлиб, мени умрбод бокиши керак, деб ўйлади. Баъзи оналаримизни айтмайсизми, нима бўлса-да, қизини бадавлат хонадонга бера қолса. Кейинги пайтда жуда кўпчиликнинг дарду фами бойлика бўлиб қолди. Улар – зиқна, хасис, бойлика ўч, маънавий қашшоқ одамлардир.

Ўтмишда не-не бойлар, хонларни қоп-қоп олтин-кумушлари уларни ўлимдан олиб қолмаганини биламиш-а. Қолаверса, бугун бадавлат одам, эртага нима бўлишини ким билади?! Бу дунё чархпалак. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, бойлик-камбағаллик ҳам чархпалак сингари муттасил айланиб туради.

Айрим бойларнинг кўрган куни қурсин, на уйқусида ҳаловат бор, на ёб-ичишида. Уларнинг топган-тутгандари, яшаш тарзи ҳаломи-йўқми, билмаймиз. Лекин ҳаётидаги мазмун ўйқлигини аниқ биламиш. Шундай бойлар борки, ота-онаси, жигарбандларини унтиб юборишган. Бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлаётгандирсиз.

Ота-боболаримиз "тeng-тengи билан" деб бежиз айтишмаган. Бу масалада таникли отахон шоиримиз Эрназар Рўзиматов шундай дейди:

Бой қизида ноз бўлар,
Саховати оз бўлар.
Тенгинг топиб ўйлансанг,
Уйда баҳор-ёз бўлар.

Бир онахонни биламан, ўзи бева, 4 болани аранг боқиб, вояга етказди. Шу аёл қизини бой хонадонга узатди. Тўй маросимлари деб 4000 доллар қарз бўлиб қолди. Оиланинг моддий ахволи танг, яшаш шароити ночор, қарзини шу кунларда уза олмайди. Бечора аёл ғамга ботиб, саратон касалига чалинди. Мана оқибат!

"Кўрангга қараб оёқ узат", деб бежиз айтишмаган экан.

Шунинг учун "Жанубий Қозоғистон" газетасида кўтарилиган долзарб мавзуни муҳокама қилишдан тўхтамайлик. Токи тўқ оиласи куёв бўлман деб, баҳтисизлик домига тушаётган йигитларга тўсиқ бўлсин. Оиласи лар камроқ ажрашсин, етимлар бўлмасин.

Ижодкорлар, депутатлар, олимлар вақт ажратиб, мақоладаги мавзуга оид маслаҳатларини аямасин. Бу иш катта савоб келтиради. Лоқайд бўлмайлик, азизлар!

Санобар ТУРСУМЕТОВА,
нафақадаги руҳшунос-муаллима.

● Турмуш чорраҳаларида

БИР КАМ ДУНЁНИНГ СИНОВЛАРИ

Икки ёш бир-бирларига дил бериб, янги оила қуришдими, уларнинг баҳтини бутун этгувчи яна бир қувончга умид бағишинади. Бу – фарзанд. У, ўғилми, қизми, ота-онанинг юзи, келаҷаги, умиди ва баҳтсаодатидир. Фарзанд дунёга келдими, оила учун келаҷакка бўлган орзу-умид, эзгу ниятлар түғилди, демакдир. Афсуски, шундай оилалар ҳам борки, уларнинг парокандалиги фарзанд туфайлидир...

– Турмуш ўртоғим билан талабалик йилларида танишиб, севишиб оила қургандим. У Туркистондан, мен Сайрамдан. Иккаламиз ҳам Чимкент педагогика билим юртини тугатганимиз. Ўқишини битиргач, мен Сайрамдан Туркистон шаҳрига келин бўлиб тушдим.

Турмуш ўртоғим педагогика билим юртида (хозирги коллежлар ўша пайтларда шундай аталаради), мен эса уйимиз яқинидаги мактабда ишлардим. Тўйдан кейин мен турмуш ўртоғим билан бирор марта уришганимни эсполмайман. У бирор иш билан ўйдан узоққа кетса-ю, ўша куни келолмай қолса, нима еб, нима ичганимни билмай, келишини кутиб ўтирадим. Бундай пайтларда қайнонам менин койирди:

– Бир-бирларингизга бунча меҳрибон бўлмасанлар, болам?

Ҳа, эркак кишининг иши кўчада. Келади-да. Кечки овқатини олиб кўйдингизми, бўлди. Ўзингиз оватланаверинг!

Йўқ, у бўлмаса, томогимдан сув ҳам ўтмасди. Қайнонамни «едим», деб алдардим, аммо келишини кутардим. У киши ҳам жуда чорасиз бўлмаса, бирор жойда қолиб кетмасди. Муҳаббатимизни одамлар бир-бирларига айтиб юришарди, ёшларга ибрат килиб кўрсатишарди. Аммо ҳаётнинг синовлари кўп экан. Яратган бизга жуда катта синов юборди – тўққиз ийл фарзанд кўрмадик. Бу вақт оралиғида турмуш ўртоғим билан бормаган жойим, кўрининг шифокору табиим қолмади. Шифокорлар қайнонамга «ўғлингиз билан келинингизнинг кон гуруҳлари сабабли фарзанд кўришомаяпти. Ўғлингизни бошкага ўйлантиринг», дебди. Буни қайнонам менга айтольгани йўқ, эримнинг ўзи айтди, ийғлаб-ийғлаб айтди.

Йўқ, Нигор, мен сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман! Майли, дунёдан бефарзанд ўтай, лекин бу ҳаётда сенсиз яшолмайман! – деди.

Ўшанда кўнглимдан нималар ўтди, бу ўзимга ва Яратганга аён. Ана шунда турмуш ўртоғимни кучоқлаб, ийғлаб юборганиман. У киши эса ана шундан кейин одамови бўлиб қолди. Уч кун шундай

юрди, кейин менга бир таклиф айтди.

– Нигор, тўққиз ийл кутдик, тўққиз ийл курашдик, лекин натижаси бўлмади. Бунинг учун сени айбламайман! Агар, Нигор, хўп десанг, бир таклифим бор.

– Нима таклиф? – негадир юрагим шиг этди.

– Бола асраб олсак...

Нима дейишни билмай қолдим.

– Болани болалар уйидан олмаймиз... Биласан, яқинда холамнинг келини туғруқ вақтида оламдан ўтди. Уч кунлик чақалоғи етим қолди. Ҳозир болага холам қараб ўтирибди. Ўша болани олсак...

Нима ҳам дердим. Шу пайтгача ҳам турмуш ўртоғимнинг сўзини икки қилмагандим. Очиги, ич-ичимдан бир ғусса бўғизимга тиқилган бўлсада, негадир хурсанд ҳам бўлдим. Рози бўлдим. Болани асраб олишда қайнонам бизга ёрдам берди. Опасини кўндириди. Чақалоқ ўғилча эди. У келган кундан бошлаб ҳаётимга мазмун, руҳимга бир кўтариликни киргандек бўлди. Мен энди бола билан овора бўлиб, кунларнинг қандай ўтаётганини билмадим. Фақат биргина нарса – шу бағримда улгаяётган гўдагимни эмиза олмаслигим менга алам қиласарди...

Аммо Яратганинг марҳамати

улуғ экан. Бола асраб олганимиздан бир ийл ўтиб, ўғлимиз атакчечак қилиб юра бошлаганда, ўзимда ўзгаришлар сеза бошладим ва шифокорга учрадим. Ё, Тангрим, бу қандай мўжиза бўлди, турмушимнинг ўн биринчи ийлида мен ҳомиладор бўлдим. Мен Яратганинг бу тухфасига шукр қилдим, тўйиб-тўйиб ийғладим ва яна бир нарсани билдимки, бунинг барчаси Яратганинг инояти, марҳамати эди. Ўзи бизга синов берди, синади ва охирида суюнтириди...

Бугун Ёдгоржон, Малика, Асадбек, Оғабек каби ширидан-



шакар фарзандларим бор. Тилимдан шукронам тушмайди. Нега шукр қилмай? Дард келганда сабр, баҳт келганда шукр қилиш кераклигини англадим. Бир вақтлар шифокорларнинг ва одамларнинг гапи билан ажрашиш кетганимда, бу баҳт менга насиб этармиди, йўқми, у ёғи менга қоронғу! Яна шу нарсага амин бўлдимки, инсон ҳамиша баҳти учун курашиши керак экан... Ҳаёт эса мўъжизаларга тўла...

**Нигоранинг ҳикоясини
Б. ДўСМАТОВА
қоғозга тушириди.**

13 АПРЕЛЬ – РАМАЗОН ОЙИННИГ БИРИНЧИ КУНИ

**Қозоғистон мусулмонлари диний
бошқармасининг раиси,
Бош муфти Науризбай ҳожи Тағанулининг
МУРОЖААТИ**



Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг ноҳми билан бошлайман! Аллоҳ Таолога беадад шукрлар, ҳамду санолар бўлсин. Пайғамбаримиз Мұхаммадга Аллоҳнинг саловати ва саломлари бўлсин!

Ҳурматли жамоат!

Барчангизни ўн икки ойининг султони – муқаддас Рамазоннинг бошланиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Оиласарингизга баҳт-саодат ва файзу барака тилайман!

Қодир Аллоҳ ихлос билан тутган рӯзамини, қылган ибодатларимиз ва савобли амалларимизни кўпайтирадиган баракотли ойда, узрли сабаблар билан рӯза тута олмай қолган инсонларнинг дуоларини қабул қилгай!

Бугунги кунда диний бошқармамиз «Эҳсон илми»ни кенгрөк тарғибот қилиш билан шуғуланиб келади. Эҳсон – араб тилида бир қанча маънени англашади. Масалан, “аъло даражада амалга оширмок”, “яхшилик қилмок” каби. Эҳсон (яъни яхшилик) бандадан бўлиб, у Аллоҳ таолонинг ибодатини астайдил бажаришадир.

Бундан кўриниб турибдики, тақвдорлик, бир-бirimizga ўзаро саховат кўрсатиш, солиҳ амаллар, неъматларни исроф қилмаслик, покланиш эҳсон илмини ҳосил қилар экан.

Барчамизга ушбу қутлуг ойда гуноҳ ишлардан покланиб, маънавий камолот – эҳсонга етиш насиб этсин!

Минг таассуфки, бу йил ҳам муқаддас ойни пандемия шароитида ўтказамиз. Юқумли ва хатарли дардга гирифтор

*Рамазон сийи
муборак
бўлсин!*

бўлмаслик учун ифторлик пайтида, ибодат чогида санитария қоидаларига риоя қилишини ёддан чиқарманг.

Саломатлик – бебаҳо бойлик, Аллоҳнинг берган омонати. Шунинг учун ёши олтмишдан ошган отахон ва онахонларимизни рўза тутишдан аввал тиббий кўрикдан ўтиш ва шифокор маслаҳатини олишига дайват этаман. Қариялар ва балоғат ёшига етмаганлардан вазият барқарорлашгунча масжидга бормасликларини ва жамоат бўлиб намоз ўқимасликларини сўрайман.

Қозоғистон мусулмонлари диний идораси Рамазон ойида онлайн тарзда хутбалар, савол-жавоблар ўтказишни давом эттиради. Қуръон тиловат қилиш маросимлари ҳам масофадан ўтказилади. Сиз ўзингизни қизиқтирган саволларга интернет орқали жавоб олишингиз, онлайн ташвиқотларни тинглашингиз ва хайрли ишларни ўйингиздан чиқмасданоқ амалга оширишингиз мумкин.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз яна бир бор ўтган йили бошлаган лойиҳамизни давом эттирамиз, яъни онлайн равишда садақа беришнинг энг яхши усулини таклиф қиласиз.

Ҳурматли жамоат!

Сизни пандемия пайтида ниҳоятда ёхтиёт бўлишига, одам кўп тўпландиган жамоат жойларга бормасликка, рўза тутгандаги тўғри овқатланишига, иш тартибини меъёрга солиш ва иложи борича, соғлигингизга ёхтиёт бўлишига чақираман.

Муқаддас ойда хайрия ва садақа қилишни истаганларга айтмоқчиман: ифторлик кутилари кўнгиллилар ёки масжид ходимлари орқали етказиб берилади.

Рамазон ойида идорамиз мунтазам равишда санитария талабларига жавоб берадиган хайрия тадбирларини амалга оширади.

Барчангизни хайрли ишларга ўз ҳиссангизни қўшишига чорлайман!

Аллоҳ Таоло ният ва амалларимизни қабул қилсин ва барчамизни Рамазондан Рамазонга бехатар етказин.

Роббимиз ер юзидағи вабони йўқ қилсин, ҳалқимизни омон сақласин, юртимизни тинч-осуда қилсин! Омийн!

ХАБАРЛАНДЫРУ

Меншік иесі Қонысбаев Байлыбек Тұрдібековчітің Түркістан облысы, Сайрам ауданы, Қарасу ауылдық округі, ынтымақ ауылы, 058 (ноль елу сегіз) орамда орналасқан кадастрылық нөмірі №19295058345, алаңы 0,12 га жер участкесінен мемлекеттің пайдасына өз еркімен нотариялды тұрде бас тартатынын хабарлайды.

ХАБАРЛАНДЫРУ

Меншік иесі Салимбеков Болат Дауловчітің Түркістан облысы, Сайрам ауданы, Қарасу ауылдық округі, ынтымақ ауылы, 057 (ноль елу жеті) орамда орналасқан кадастрылық нөмірі №192950574021, алаңы 0,6 га жер участкесінен мемлекеттің пайдасына өз еркімен нотариялды тұрде бас тартатынын хабарлайды.

ХАБАРЛАНДЫРУ

Меншік иесі Салимбеков Болат Дауловчітің Түркістан облысы, Сайрам ауданы, Қарасу ауылдық округі, ынтымақ ауылы, 057 (ноль елу жеті) орамда орналасқан кадастрылық нөмірі №192950574063, алаңы 0,1411 га жер участкесінен мемлекеттің пайдасына өз еркімен нотариялды тұрде бас тартатынын хабарлайды.

ХАБАРЛАНДЫРУ

Меншік иесі Салимбеков Болат Дауловчітің Түркістан облысы, Сайрам ауданы, Қарасу ауылдық округі, ынтымақ ауылы, 057 (ноль елу жеті) орамда орналасқан кадастрылық нөмірі №192950574062, алаңы 0,18088 га жер участкесінен мемлекеттің пайдасына өз еркімен нотариялды тұрде бас тартатынын хабарлайды.

**ШИМКЕНТ ШАҲРИ
БЎЙИЧА 2021 ЙИЛГИ
РЎЗА ТУТИШ ЖАДВАЛИ**

| Апрель, май ойлари | Рамазон ойининг кунлари | Ҳафта кунлари | Саҳарлик вақти | Ифторлик вақти |
|--------------------|-------------------------|---------------|----------------|----------------|
| 13. | 1. | Сешанба | 05:22 | 20:04 |
| 14. | 2. | Чоршанба | 05:20 | 20:05 |
| 15. | 3. | Пайшанба | 05:19 | 20:06 |
| 16. | 4. | Жума | 05:17 | 20:07 |
| 17. | 5. | Шанба | 05:15 | 20:08 |
| 18. | 6. | Якшанба | 05:13 | 20:09 |
| 19. | 7. | Душанба | 05:11 | 20:11 |
| 20. | 8. | Сешанба | 05:09 | 20:12 |
| 21. | 9. | Чоршанба | 05:07 | 20:13 |
| 22. | 10. | Пайшанба | 05:05 | 20:14 |
| 23. | 11. | Жума | 05:04 | 20:15 |
| 24. | 12. | Шанба | 05:02 | 20:16 |
| 25. | 13. | Якшанба | 05:00 | 20:17 |
| 26. | 14. | Душанба | 04:58 | 20:18 |
| 27. | 15. | Сешанба | 04:56 | 20:20 |
| 28. | 16. | Чоршанба | 04:54 | 20:21 |
| 29. | 17. | Пайшанба | 04:53 | 20:22 |
| 30. | 18. | Жума | 04:51 | 20:23 |
| 01. | 19. | Шанба | 04:49 | 20:24 |
| 02. | 20. | Якшанба | 04:47 | 20:25 |
| 03. | 21. | Душанба | 04:46 | 20:26 |
| 04. | 22. | Сешанба | 04:44 | 20:27 |
| 05. | 23. | Чоршанба | 04:42 | 20:28 |
| 06. | 24. | Пайшанба | 04:40 | 20:30 |
| 07. | 25. | Жума | 04:39 | 20:31 |
| 08. | 26. | Шанба | 04:37 | 20:32 |

Муқаддас Лайлутул -Қадр тунида Қуръони Каримнинг ilk оятлари тушган. Дуо, тилаклар қабул бўладиган тун.

САҲАРЛИК**(ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ:**

Навайт ан асума совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллахи таъала. Аллоҳу акбар!

Маъноси: Рамазон ойининг рӯзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюқдир.

ИФТОРЛИК**(ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ:**

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқи афтарту, фагfirli йа ғоффару ма қодамту ва ма аххорту.

Маъноси: Эй Аллоҳ, ушбу Рӯзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим. Ҳолис Аллоҳ учун. Аллоҳ қилғувчи Зот, менинг авалги ва кейинги гуноҳларимни магфират қилгил.

Савол-жаоблар учун
Call-Марказ +77084784872га мурожаат қилин! www.iman.kz www.fatua.kz

ХАБАРЛАМА

2014 жыл 18 маусымда Шымкент қаласындағы №101 жалпы орта мектеп атынан Нартаев Санжарбек Атабекұлына берілген негізгі орта білім туралы НОБ 1039346 күеліктің жоғалуына байланысты жарамсыз деб танылсын.

ХАБАРЛАМА

2018 жыл 30 маусымда Шымкент қаласындағы Орта-Азиялық медициналық колледж атынан Нартаев Санжарбек Атабекұлына берілген техникалық және кәсіптік білім туралы ТКБ №1143010 диплом жоғалуына байланысты жарамсыз деб танылсын.

● Мустақилликнинг 30 йиллигига – 30 эзгу иш

ЖҮШИБ ВА ЁНИБ ИШЛАШ БАХТИ

Сұхбатдошимиз – Туркестон шаҳрининг ибратли фуқароси, йирик тадбиркор, спорт, соғломлаштириш, умумий овқатланиш, мәхмөнхона, замонавий бассейн, күп соҳали шифохона, қурилиш ашёлари ишлаб чыкаш, мебелсөзлик каби ўнлаб соҳаларни унумли үйғунлаштирган, күплаб янги иш ўринларини яратган фидойи инсон Файрат Маҳкамбай ўғли Акешов. Сұхбатдошимиз “Қозогистон Мустақиллигининг 30 йиллигига – 30 эзгу иш” мавзууда.



– Файрат Маҳкамбай ўғли, газетамизнинг доимий обуначиси сифатида сиз раҳбарлик қилаётган улкан жамоа ҳақида нашар саҳифаларида мақолалар эълон қилиниб, муассасаларнинг фаолияти батафсил ёритилди. Ўтган йили вилоят маркази, жаҳон сайёхлик маркази – Туркестон шаҳри равнақи, Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги доирасида падари бузрукворингиз, Улуг Ватан уруши иштирокчиси Маҳкамбай ота таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан қатор янги иншоотлар барпо этиб, ишга туширдингиз. Мустақиллик йилларида фидойи мөхнатингиз, тадбиркорлик салоҳиятингиз билан Туркестон шаҳрида күплаб янги иш ўринларини яратдингиз. Энг олис йўл ҳам биринчи қадамлардан бошланади, дейдилар. Мустақилликнинг дастлабки йиллари тадбиркорликка эндигина келган эдингиз...

– Тўғри, Туркестондаги ҳозирги Амир Темур номли мактабнинг биноси янгидан қурилиши ҳақида газетадан хабар топдим. Мен ўзим Ҳамза номли мактабда таҳсил олдим. Тошкент озиқ-овқат техникиумини тамомлагач, Мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғладим. 2000-йилларда илк бор “Маҳкамбай ата” МЧБ ташкил этидик. Қарноқ йўли ёқасида жойлашган мұхташам бинони ўша кездаги шаҳар ҳокими Мухит Алиев, депутатлар, оқсоқоллар биргаликда тантанали равишда очдик. Сўнг ишлаб чиқариш доираси кенгайди. Арис – Туркестон каналининг ўнг томони бўш ётган жой эди. Кўп қаватли “Амина” соғломлаштириш марказини, “Ибн Сино” шифохонасини барпо этидик. Туркестонда соғликни сақлаш соҳасига раҳбарлик қилган таникли кўз шифокори Баҳодир Ҳабибуллаев, нафақадаги шифокор Шўра Исмўлдаев, Туркестон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасига раҳбарлик қилган тадбиркорлар Дониш

муттасил таъминлаб туриш осон эмас. Лекин, шунга қарамай, темирйўл вокзали ҳудудида ўтган йили барпо этилган саноат омборлари ҳажмини талабга мувофиқ кенгайтириб, янги бинолар барпо этамиз. Ҳозирги шифохона, спорт, умумий овқатланиш, мәхмөнхона мажмуаси ҳудудида полиция бўлими учун бино қуриб беришга хомийлик қиласиз. Шунингдек, 25X40 метр ҳажмда болалар майдончасини қуриб, жиҳозлаб берамиз.

– Туркестон шаҳри туркий олам давлатлари анжумани шоҳиди бўлди. Табаррук шаҳар Туркестонни умрида бир марта келиб зиёрэт қилиши орзусида юрганлар оз эмас. Туркестон шаҳри туркий оламнинг маънавий пойтакти, деб эълон қилинди. Ҳозирнинг ўзида зиёратчилар кўп. Ўтган йили миллиондан зиёд зиёратчи келишиди. Пандемия тугагач, шаҳарга кўплаб сайёхлар келади...

– Албатта. Шуни назарда тутиб, ўтган йили Туркестон шаҳри ҳокими Рашид Аюпов, маслаҳат котиби, жамоат таш-

нинг умиди ва қувончи.

– Апрель ойининг 9 санасида соҳиб-қирон Амир Темурнинг таваллуд куни – 685 йиллиги нишонланди. Сиз ҳам шу ойда туғилгансиз. Буни таъкидлашмиз сабаби бор, албатта. Етти аср муқаддам яшаб ўтган, бунёдкорликда тенгги йўқ Соҳибқироннинг “Агар қурдатимизга шак-шубҳа қиласангиз, биз қурган иморатларга қарант”, деган пурмаъно сўзлари туркий оламнинг маънавий пойтактида сиз бунёд этган мустаҳкам, муҳташам, замонавий бинолар мисолида буғунги кунда ҳам устувор аҳамиятни йўқотган эмас.

– Тадбиркор сифатида Туркестоннинг равнақига, обод, фаровон бўлишига мунносиб ҳисса қўшиш – ҳаётимдаги асосий мақсадим. Шу йўлда жамоамиз билан муштарақ мақсад йўлида ҳормай-толмай мөхнат қиласиз. Мустақилликнинг музофар байрами барчага муборак бўлсин! Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, зафарлар барчага ҳамроҳ бўлсин.

– Сұхбат учун ташаккур!



лиги иштирокида замонавий сузиш басейнини тантанали очиб, ишга туширдик. Мижозлар кўп, талаб катта. Демак, бу иншоотимиз ҳам эл корига яраб турибди. Туркестон шаҳрига вилоят маркази мақоми берилганида ўша кездаги вилоят ҳокими Ж. Туймебаев биноларимизни кўриб, ҳокимлик департаментарини шу ерга, вақтинча жойлаштиришга қарор қилган эди. Бу ҳам жамоамиз, меъмор ва қурувчиларимиз мөхнатига берилган юксак баҳо. Ўн йил мукаддам бу ерлар бўш жой эди, шу йиллар ичидаги мұхташам замонавий бинолар қурилиб, Туркестон шаҳри кўркига кўрк кўшаётганлигини ёш авлод билавермайди. Буларнинг барчаси жамоамизнинг мустақиллик йилларида муштарақ мөхнати мөвасидир.

– Бу йил насиб этса, қандай иншоотлар қуришини режалаяпсиз?

– Пандемия шароитида барқарор, доимий ишлайдиган жамоани иш билан

килотлари иштирокида кўп қаватли замонавий мәхмөнхона мажмуасини ишга туширдик. Шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов билан ҳамкорликда ташкилий ишларни амалга оширдик. Зиёратчи-сайёхлар учун зарур бўлган барча қулайликларни – мәхмөнхона, умумий овқатланиш, замонавий бассейн, шифохона мажмуаларни шай қилиб қўйдик. Мәхмөнлар келса – бош устига. Муносиб хизмат кўрсатишига тайёрмиз.

– Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз...

– Умр йўлдошим Раъно Содик қизи билан қобил фарзандлар – Моҳигул, Абдуллаларни тарбиялаб, вояга етказдик. Кўёв, келин Бекзод, Нозима – ҳам хизматда, ҳам иззатда. Фарзандларим мен билан бирга боболари номидаги (“Маҳкамбай ота” МЧБ) корхонада мөхнат қилишади. Ширин-шакар невараларимиз – оиласиз-

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Файрат Маҳкамбай ўғли; F. Акешов ҳамкаслари Сайдазим Эргешов, Файрат Аҳмедов, Абдулла Файрат ўғли, Тўлқин Тойжонов, Достон Сайдовлар билан.

Муаллиф тасвирлари.

P.S. Туркестон шаҳрининг ибратли фуқароси, кўплаб хайрли шиллар ҳомийси, бунёдкор ҳамда тадбиркор Файрат Маҳкамбай ўғлини таваллуд куни муносабати билан таҳририят номидан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, янги зафарлар ҳамда умр йўлдоши Раъно Содик қизи билан фарзандлари, невара, эвара, чеваралар камолини кўриб, табаррук Туркестонга ҳормай-толмай хизмат қилишини тилаб қоламиз.

Директор – Бош мұхаррир учун – Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош мұхаррир
үрінбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Аваҳон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркестон, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам – Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Туплибош – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркестон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъуллариди.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилиб майди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йўл, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелдан рӯйхатга олинни, KZ34VPU00022503 тубохомга берилган.

Буюртма:

911.

Нашр кўрсаткичи – 65466
Адади – 11900

Навбатчи мұхаррир: Хуршид КЎЧКОРОВ.